



## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Махамадулов Жалол Махамадулович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси.*

*Тошкент, Ўзбекистон. [grand8885@mail.uz](mailto:grand8885@mail.uz)*

*DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a31](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a31)*

### **Аннотация**

Мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасини шаклланиши, унда ер солиғи ва мулк солиғининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган. Ер ҳамда мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини ошириш юзасидан тартиб ва амалий тавсиялар таклиф этилди. Бюджети даромадлари базасини кенгайтиришда кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамияти, кўчмас мулкка солиқ солиш мулкнинг рақобатбардошлигини ошириб, солиқ солиш базасини белгилашдаги муҳим ўринга эга эканлиги ҳақидаги қарашлар таҳлилий асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ер, ер солиғи, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар, ресурс солиқлари, солиқ, бюджет, солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

### **Кириш**

Мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши натижасида, бозор иқтисодиётининг асосий қоидалари бўлган хусусий мулкчиликнинг устуворлигини таъминлаш ва иқтисодий жараёнларни бозор механизми орқали тартибга солишга эришишни таъминлашга эътибор кучайтирилди. Жумладан, ресурслардан фойдаланишда иқтисодий механизмларга устуворлик берилиши орқали улардан фойдаланишни тартибга солиш механизми яратилди ва бу жараён даврга мос равишда такомиллашиб бормоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ривож, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда аҳолини рози қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқдир. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришда турли ҳокимият органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатларини ошириш муҳим йўналиш қилиб белгиланиши лозим.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ ва солиқдан ташқари тушумларнинг ўсиши учун қўшимча заҳираларни топиш ва жалб қилиш нафақат маҳаллий бюджетларни тўлдириш, балки замонавий ҳуқуқий маконни шакллантириш, тадбиркорликни

ривожлантириш учун шарт-шароитлар, турли ижтимоий йўналтирилган шаҳар дастурлари ва уларни амалга ошириш масаласидир.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Тошқулов (2021) фикрича қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш доимий равишда ислоҳ қилинмоқда, лекин бу унинг мукамаллигини кафолатламайди. Солиқ қонунчилигининг беқарорлиги, мураккаблиги ва ноаниқлиги, инвестиция, инновация ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун солиқ механизмларидан кам фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш солиқ тизимининг қишлоқ хўжалигида ўз вазифаларини тўлиқ бажаришга имкон бермайди.

Власованинг (2015) фикрига кўра “Маҳаллий бюджетларнинг даромадли салоҳияти давлат-хусусий шерикликни янада фаолроқ амалга оширишни, солиқ имтиёзларини жорий этиш ва бюрократик жараёнларни тезлаштириш ва соддалаштириш орқали бизнес юритишни иложи борича осонлаштиришни, ношлаб чиқариш харажатлари улушини камайтиришни ва ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиришни талаб қилади.

Селезнев, Доценколарнинг (2016) фикрига кўра “маҳаллий бюджетларнинг реал молиялаштириш тақчиллиги муаммоси билан боғлиқ ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш тизими - муҳим макроиқтисодий вазифа”, деб ҳисоблайдилар.

Серебрякова (2017) таъкидлаганидек, “Ҳудудларни молиявий таъминлаш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг энг қийин ва долзарб масалаларидан бири”, деб таъкидлайди.

Сухарев (2020) барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзгартириш, бюджет механизмини рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларни самарали фаолият натижаларни жорий этиш тизимини илгари суради.

Худойқулов (2019) ўз тадқиқотларида эконометрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган,

Француа Кене (1757 й.) бундай даромад олиш усули солиқ тўловчи учун ортиқча харажат ва оғир меҳнатга асосланмаган фойдани ташкил қилишини таъкидлаб ўтди. .

#### **Тадқиқот методологияси**

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Сўнги йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари маҳаллий бюджетлар харажатларига нисбатан доимий равишда камни ташкил этмоқда. Айниқса сўнги йилларда уларнинг орасидаги тафовут сезиларли равишда фарқланганлигини, яъни харажатларнинг кескин ошиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

#### **Бунга таъсир этувчи омил бўлиш мумкин улар қуйдагилар:**

- ўзаро молиявий - хўжалик муносабатда булган хўжалик субъектлари томонидан тўлов интизомига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида дебиторлик, кредиторлик қарзларини ошиб кетиши;

- Ўзаро молиявий - хўжалик муносабатда булган хўжалик субъектлари томонидан тўлов интизомига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида дебиторлик, кредиторлик қарзларини ошиб кетиши;

- хўжалик субъектнинг маҳсулотига (бажарилган иш ва хизматларга) истеъмол талабининг кескин ўзгариши;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (бажарилган иш ва хизматларнинг) сифати буюртмачини ёки бозорни талабига жавоб бермаслиги;

- Солиқ тўловчи томонидан бюджет олдида солиқ қарзини вужудга келишининг энг асосий сабабларидан бири - корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб боришидир.

**Солиқ қарзи юзага келиш сабаблари қуйдагилар:**

- Хўжалик юритувчи субъектлар ва Якка тартибдаги тадбиркорлик, хуфёна фаолият мақсадида ташкил этилганлиги;

- Солиқ маданиятининг пастлиги ёки мажбуриятни тўлиқ билмаслик;

- Корхонада ҳисобнинг сифатсизлиги ёки унинг масъул шахсларини етарли билим ва кўникмага эга эмаслиги (тажрибасизлиги);

- Солиқ юкини оғирлиги ёки қасддан солиқ тўламаслик;

- Корхонанинг дебитор ва кредитор қарздорликлари бўйича тўлов муддатини ўтиши ҳамда ҳисоб рақамда маблағнинг етарли эмаслиги;

- Солиқ маъмурятчилиги ҳамда солиқ қонунчилигидаги камчиликлар;

- Бошқа Форс-мажор ҳолатлар ҳамда солиқ тўловчи (масъул шахс)нинг ҳаёти билан боғлиқ ўзгаришлар (касаллик, ўлим ва ҳ.к.)

- Солиқ қарздорликларининг пайдо бўлишининг энг асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволи танглашишидир. Корхоналарнинг молиявий ҳолати ёмонлашувига эса юқори солиққа тортиш даражаси (солиқ юки) бевосита, ҳам билвосита таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига. Солиқ қарзи — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан ушбу Кодексда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар.

Солиқ тўловчининг муайян солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолатлар бўлган тақдирда, мавжуд солиқ қарзини узиш мажбурияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига. “Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари бўйича – тақдим этган декларациясидан хосил бўлган солиқларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ қарзини тўлаш тўғрисидаги огоҳлантириш талабномаси юборилади.

Ўз навбатида давлат солиқ хизмати органи солиқ қарзи пайдо бўлган куннинг ўзида солиқ тўловчига солиқ қарзини узиши тўғрисидаги талабномани ёзиб бериши шарт.

Солиқ қарзини ўзиш тўғрисидаги талабнома - ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи;
- 2) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- 3) талабнома тузилган сана;

4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси;


5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари;

6) дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Солиқ қарзини ўзиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилиши лозим.

Солиқ қарзини ўзиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади. Солиқ қарзини ўзиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Бугунги кунда қуйдаги схема орқали жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини мажбурий тартибда ундиришга қаратиш лозим.



**1-расм. Жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини мажбурий тартибда ундиришга қаратиш СХЕМАСИ**

Қарздорларга тегишли пул маблағлар, мол-мулклар ва қимматбаҳо қоғозлар ҳисоби юритилишига алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар.

Муддатида тўланмаган солиқ қарзлари бўйича ундирув суд тартибида қарздорнинг мол-мулкларига қаратилганида қисқа вақтда қарздорнинг қуйида номлари қайд этилган идораларда мавжуд пул маблағлари, мол-мулклари ва қимматбаҳо қоғозлари ҳақидаги маълумотга эга бўлишингиз ва суд қарорини белгиланган муддатда ижро этилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорликда иш олиб боришингиз лозим бўлади.

Қарздорларга тегишли пул маблағлари, мол-мулклари ва қимматбаҳо қоғозлари тўғрисида маълумотлар сақланишига алоқадор ташкилотлар рўйхати:

1. Туман ҳоқимияти қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси;
3. Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси;
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси;
5. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги;
6. "Ўздавтехназорат" инспекцияси;
7. Ўзбекистон Республика валюта биржаси;
8. Ўзбекистон Республикаси мулк маркази;
9. Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси;
10. Туман нотариал идораси;
11. Статистика идоралари;
12. Контехника назорати инспекцияси;
13. Ўзагросуғурта давлат акционерлик суғурта компанияси;
14. ALSKOM суғурта компанияси;
15. Алфа инвест суғурта компанияси;
16. Ўзбекинвест суғурта компанияси;
17. Ишонч суғурта компанияси;
18. Мадад суғурта компанияси;
19. Кафолат суғурта компанияси;
20. Asia Inshurans суғурта компанияси;
21. Намкор суғурта компанияси;
22. Агро инвест суғурта компанияси;
23. Капитал суғурта компанияси;
24. Unipolis суғурта компанияси;
25. Universal суғурта компанияси;
26. CHARTIS суғурта компанияси;
27. Халқ суғурта компанияси

Солиқ органлари томонидан солиқ қарздорликни сўндиришда фойдаланиладиган дастурий махсуллар яратилган.

**Солиқ қарзини сўндиришда фойдаланиладиган қўшимча дастурий махсуллар бўлиб қуйдагилар:**

- Веб портал дастурий махсули (Ушбу дастурдан фуқароларнинг паспорт маълумоти ва СТИР рақамлари ҳақида маълумотларни олиш имконини беради);

- Солиқ тўловчиларнинг банк ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотларни (Ушбу дастурдан солиқ қарзи мавжуд Хўжалик юритувчи субъект ва ЯТТнинг фаолияти, банк маълумотлари, ҳисоб рақамлари ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради);

- Электрон ҳисобот дастурий махсули (Ушбу дастурдан солиқ қарзи мавжуд Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятига тегишли бўлган ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлари ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради);

- АРМНИ (юр.лиц) дастурий махсули (Ушбу дастурдан Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қарз суммаси, инкассо ва тўлов топшириқномаси қўйилганлигини, тўланган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради);

- АРМНИ (физ.лиц) дастурий махсули (Ушбу дастурдан ЯТТлар, Декларантлар ва Жисмоний шахсларнинг ҳисобланган солиқ, молиявий жарима ҳамда пенялар суммалари, имтиёзлар қўлланилганлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради);

- Солиқ қарзи ҳисоботи дастурий махсули (Ушбу дастурдан Юридик, ЯТТ, Декларант, Гастрол томоша, Жисмоний шахсларнинг турар ва нотурар жойларидан хосил бўлган солиқ қарздорлигини нома-ном ҳамда жами ҳисоботларини шакиллантириш имконини беради);

- ЯТТ ҳисоботи дастурий махсули (Ушбу дастурдан солиқ қарзи мавжуд ЯТТларнинг молиявий хўжалик фаолиятига тегишли бўлган ойлик ва чораклик ҳисоботлари ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради);

- Банк ДСҚ дастурий махсули (Ушбу дастурдан барча турдаги солиқ тўловларини банкдаги бир кунлик тушумини нома-ном кўриш имконини беради);

- Солиқ текширувлари дастурий махсули (Ушбу дастурдан Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текширишларнинг рўйхатга олинганлиги (рақами ва санаси), қўлланилган молияви ёки маъмурий жарималар кўриш имконини беради);

### **Хулоса ва таклифлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигида банкротлик асосида тугатилган, хуфиёна иқтисод билан шуғулланган, жиноят ишлари қўзғатилган ва жиноий жавобгарликка тортилган жисмоний ва ўзаро алоқадор шахслар тўғрисида алоҳида “қора рўйхат” электрон маълумотлар базаси ташкил этиш. “Қора рўйхат”га киритилган жисмоний ва ўзаро алоқадор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектлари ташкил этилганда олдинги субъектлари бўйича бажарилмаган солиқ мажбуриятлари, шу жумладан ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи янги ташкил этилган субъектлари ва янги пайдо бўлган мол-мулклари ҳамда даромадлари ҳисобидан ундириш амалиёти жорий этиш мақсадга мувофиқ.

2. Монополия пули бор, мулки бор корхоналарни банкротлигига 1, 2, ва 3-тоифали суд бошқарувчилари тайинланади. Ҳеч нимаси бўлмаса бошқа орган, яъни солиқчилар тайинланади. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларига банкротликнинг соддалаштирилган тартиботлари бўйича аттестат берилиши ва суд

бошқарувчиси этиб тайинланиши амалиёти бекор қилинса, солиқ органларида коррупцияни олди олинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Cathy Hughes, Sarah Sayce, Pete Wyatt (2020) Implementing a land value tax: Considerations on moving from theory to practice. Land Use Policy 8 February. <https://www.sciencedirect.com/science>.

Peter Wyatt (2019) From a property tax to a land tax – who wins, who loses?. Land Use Policy 31 August. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837719307975>.

Агзамов А.Т. (2019) Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Б.17-22. / Agzamov A.T. (2019) Improving the practice of taxation of individuals. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. Pp. 17-22.

Власова Ю.А., Абрамова А.И. (2015) Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в России на примере калужской области // Креативная экономика. Т. 9. № 10. С. 1255-1276.

Vlasova Yu.A., Abramova A.I. (2015) Problems of strengthening the revenue potential of regional budgets in Russia on the example of the Kaluga region // Creative Economy. T. 9. No. 10. Pg. 1255-1276.

Пардаев У.Ў. (2018) Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Б.11-20. Селезнев А., Доценко Н. (2016) Доходный потенциал местных бюджетов и его общегосударственное значение // Экономист. № 9. - С. 12-22.

Seleznev A., Dotsenko N. (2016) Income potential of local budgets and its national significance // The Economist. No. 9. - p. 12-22.

Серебрякова О.В. (2017) Финансовая стабильность муниципальных образований как приоритет в развитии бюджетной и налоговой политики на местном уровне // Региональная экономика: теория и практика. № 11. - С. 126-131.

Serebryakova O.V. (2017) Financial stability of municipalities as a priority in the development of budgetary and tax policy at the local level // Regional Economics: Theory and Practice. No. 11. - p. 126-131.

Сухарев О.С. (2020) Инвестиции в транзакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. Финансы: теория и практика; 24(3):60–80.

Sukharev O.S. (2020) Investments in the transaction sector and in financial assets: impact on economic growth. Finance: theory and practice; 24(3):60–80.